

**БУХОРО МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАРИМУЛЛАЕВА МАРЗИЯ УСНАТДИНОВНА**

**МЕВА–САБЗАВОТ ШАРБАТИНИ БУҒЛАТИШ ЖАРАЁНИНИ ВА  
АППАРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.16– Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва  
аппаратлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical  
sciences**

**Каримуллаева Марзия Уснатдиновна**

Мева–сабзавот шарбатини буғлатиш жараёнини ва аппаратини  
такомиллаштириш ..... 3

**Каримуллаева Марзия Уснатдиновна**

Совершенствование процесса и аппарата для выпаривания плодовоовощного  
сока..... 21

**Karimullaeva Marziya Usnatdinovna**

Improvement of the process and apparatus for evaporation of fruit  
and vegetable juice ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 42

**БУХОРО МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАРИМУЛЛАЕВА МАРЗИЯ УСНАТДИНОВНА**

**МЕВА–САБЗАВОТ ШАРБАТИНИ БУҒЛАТИШ ЖАРАЁНИНИ ВА  
АППАРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.16– Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва  
аппаратлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2021**

Филозоф доктори (PhD) диссертацияни таърифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъмурияти курамадаги Олий аттестация комиссиясида. В 2021.4. PhDТ1928 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бақариладган.  
Диссертация авторферати ушунга ўқиди (Ўзбек, рус, инглиз (русча)) Илмий кенгаши веб-сайтида (www.dtuonet.uz) ва «ZiyoNET» асборот тизими интернетда (www.ziyo.net) зарфияда аниқлаштирилган.

|                  |   |
|------------------|---|
| Илмий раҳбар:    | Маърифатна Зулдулар Азизовна<br>техника фанлари бўлими филозофа доктори (PhD), доцент   |
| Расмий ошмактар: | Абдуллаев Алимюр Шоназарович<br>техника фанлари доктори, профессор,<br>Нарзиев Мирал Сақалович<br>техника фанлари номсони, доцент |
| Бугачи ушмактар: | И.Каримов номидagi Тошкент Давлат техника<br>университети   |

Диссертация таърифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг курамадаги PhD03/30.12.2019 Т.101.01 рақамдаги Илмий кенгашида 2021 йил 27 - 12 - 01 14:20 даги маълумоти бўлиб ўқиди. (Манзили 2001000, Ўзбекистон К.Муртақов кўчаси, 15. Тел.: (99865)223-78-84, факс: (99865)223-78-84, email: hnti\_info@oda.uz. Ўзбекистон Республикаси Президентининг курамадаги PhD03/30.12.2019 Т.101.01 рақамдаги Илмий кенгашида 2021 йил 27 - 12 - 01 14:20 даги маълумоти бўлиб ўқиди. (Манзили 2001000, Ўзбекистон К.Муртақов кўчаси, 15. Тел.: (99865)223-78-84)

Диссертация таърифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг курамадаги PhD03/30.12.2019 Т.101.01 рақамдаги Илмий кенгашида 2021 йил 27 - 12 - 01 14:20 даги маълумоти бўлиб ўқиди. (Манзили 2001000, Ўзбекистон К.Муртақов кўчаси, 15. Тел.: (99865)223-78-84)

Диссертация авторферати 2021 йил 27 - 12 - 01 кунга таърифи билан (99865)223-78-84 рақамдаги факс билан берилган.

И.Р. Таърифи  
Илмий кенгаши берувчи илмий кенгаши  
раҳбари, т.ф.д., профессор

Р.Р. Хайитов  
Илмий кенгаши берувчи илмий кенгаши  
аъзафи, т.ф.д., катта ошмактар

Ш.М. Ходжаев  
Илмий кенгаши берувчи илмий кенгаши  
аъзафи, т.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясининг аннотацияси (PhD))**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида юқори даражада ўсиш кузатилмоқда. Консерваланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналар озиқ-овқат саноатининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра мева ва сабзавотларни қайта ишлаш корхоналарининг замонавий ҳолатини баҳолаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш, ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган техника ва технологияларни жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда мева ва сабзавотлар таркибидан ўзининг табиий хоссасига эга, юқори концентрацияли шарбат олиш жараёни ва қурилмаларини такомиллаштириш, ҳозирги замон талабига жавоб берадиган техника ва технологияларни яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада мева сабзавотлар таркибидан юқори концентрацияли шарбат олишга мўлжалланган буғлатиш жараёнини тадқиқ қилиш, юқори концентрацияли шарбат ишлаб чиқаришда буғлатиш жараёнининг замонавий, юқори самарали усули ва қурилмаларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда мева ва сабзавотчиликни ҳамда узумчиликни ривожлантиришга жумладан, сифатли мева ва сабзавот шарбатларини ишлаб чиқаришга эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “...иктисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош ва экспортбоб маҳсулотларни тайёрлаш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”<sup>1</sup> бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу борада худудлар бўйича етиштирилган мева ва сабзавотлар таркибидаги шарбат миқдори ва физик-кимёвий таркибини аниқлаш, қишлоқ хўжалик хом ашёлари асосида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш, мева ва сабзавотларни қайта ишлашнинг самарали усулларини аниқлаш, ўзининг дастлабки табиий хоссаси сақлаган, юқори концентрацияли мева ва сабзавотлар шарбатини олиш жараёни ва аппаратини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон “Ўзбекистон Республикасида мева ва сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

сон “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий –ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг “Энергетика, энергия ва ресурсларни иқтисод қилиш” ва VII. «Кимёвий технолгиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида мева ҳамда сабзавотларни қайта ишлашда иссиқлик, моддаалмашинув қонуниятларини тадқиқ қилиш, юқори сифатли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган масалаларни ечиш бўйича маълум даражада назарий ва амалий натижаларга эришилган. Бу борада олимлардан Е.И.Таубман, Т.А. Колач, Д.В.Радун, Ю.И. Дытнерский, Н.И. Гельперин, П.Г.Романков, Р.Е.Minton, А.Г.Касаткин, А.Н.Плановский, В.В. Кафаров, ва бошқалар ўзларининг катта ҳиссаларини кўшишган. Жумладан, юқори концентрацияли шарбат олишга мўлжалланган бир ва кўп босқичли буғлатиш қурилмаларида эритма таркибидаги компонентларнинг ўзаро боғлиқлик қонуниятларини аниқлаш масалалари тадқиқ қилинган.

Буғлатиш қурилмаларининг иситиш камерасида эритма концентрациясининг ўзгариш қонуниятларини, жараёни математик моделлаштириш методларини ишлаб чиқиш ва муаммоларни ечишга ўзбек олимларидан Н.Р. Юсупбеков, А.А.Артиков, Ш.М. Гулямов, Х.С. Нурмухамедов ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган.

Шу билан бирга жаҳонда турли хил озиқ-овқат шарбатлари ва кучсиз техник эритмаларни буғлатиш ва қуюқлаштириш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Аммо шарбат ва турли эритмаларни қуюқлаштиришда қуюқлаштирилаётган эритма ва иситувчиларнинг буғлатиш аппаратидаги ҳаракат траекторияларини ва хоссаларини ҳисобга олган ҳолда математик моделлаштириш масалаларини ечиш, технологик тизимларни яратиш масалалари етарлича даражада олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Қовунни чиқитсиз қайта ишлаш агротехнологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги (2018-2020 й) илмий лойиҳа доирасида бажарилган

**Тадқиқотнинг мақсади** мева-сабзавот шарбатини буғлатиш жараёнини ва аппаратини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қиздириш камераси ажратилган аппаратда кечадиган буғлатиш жараёнини тизимли таҳлилин кўп босқичли иерархик структурасини ишлаб чиқиш;

қиздириш камераси ажратилган аппаратда кечадиган буғлатиш жараёнини тўлиқ математик ва компьютер моделларини ишлаб чиқиш;

қиздириш камераси ажратилган аппаратдаги буғлатиш жараёнини эритма берилган концентрациясидаги иссиқлик алмашиниш юзасини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

пектин эритмасини буғлатишдаги қиздириш камераси босими ва ҳароратини мақбул қийматларини аниқлаш;

буғлатиладиган эритма ва иссиқлик ташувчи ҳаракати бўйича қиздириш камерасини ажратиш билан такомиллаштирилган буғлатиш аппаратини ишлаб чиқиш;

буғлатиш аппаратининг тажриба-саноат намунасини ишлаб чиқиш ва асослаш;

тажриба-саноат синовларини ўтказиш;

ишлаб чиқаришга техник жорий этиш ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мева ва сабзавотлар таркибидаги эритмани буғлатиш орқали қуюлтирилган мева шарбатини олиш жараёни ва аппарати олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** мақбул гидродинамик режим асосида ишловчи, энергия тежамкор буғлатиш аппарати ва шарбатни қуюқлаштириш жараёнининг технологик параметрлари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимли таҳлил, буғлатиш жараёнини математик ва компьютерли моделлаштириш, технологик тизимни синтезлаш усуллари қўлланилган, кимё ва озиқ-овқат саноати технологиясининг назарий асосларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мева ва сабзавотларни буғлатиш жараёнини тизимли таҳлил қилишнинг кўп босқичли иерархик структурасини ишлаб чиқилган;

юқори концентрацияли мева ва сабзавот шарбатлари олишни таъминловчи буғлатиш жараёнидаги технологик параметрларнинг мақбул режимлари аниқланган;

юқори концентрацияли мева шарбатини олишга мўлжалланган буғлатиш аппаратининг энергия тежамкор конструкцияси ҳамда иссиқлик алмашиниш юзасини ҳисоблашнинг математик ифодаси ишлаб чиқилган;

буғлатиш аппаратада эритма ва иситувчининг қайнаш температураларини ҳамда иссиқлик алмашинув жараёнини тавсифловчи математик модель ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қуюқлаштириладиган модда таркибидан эритувчининг бир мёъёрида буғланиб чиқиши таъминланган, самарали энергия тежамкор буғлатиш қурилмасининг конструкцияси такомиллаштирилган;

мева ва сабзавотлар таркибидан пектин моддаси олиш учун мўлжалланган буғлатиш аппаратининг конструкцияси такомиллаштирилган;

иситилувчи ва иситувчи моддаларнинг ўзаро контаклашув юзалари эритувчининг буғланиш тезлигига боғлиқлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тажриба натижаларини олишда MATLAB компьютер дастурлари, Windows XP, Microsoft Excel каби операцион муҳитлардан ҳамда математик ва компьютер моделларининг аниқлиги ва тадқиқ қилинаётган соҳа бўйича уларни баҳолаш меъзонларининг айнан бир хиллиги, лаборатория шароитида олинган натижаларни тажриба-саноат тадқиқотларида фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган буғлатиш қурилмасининг иситиш камераси иккига ажралишини таъминлаш орқали иситувчи ва эритманинг гидродинамик оқимлари яхшиланганлиги, буғлатиш аппаратининг ишчи камераси бўйича иссиқлик ва моддаалмашинув жараёнини ифодаловчи математик ифода ва компьютер модели ҳамда буғлатишнинг технологик усуллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти иситиш камераси иккига ажратилган буғлатиш аппаратининг мақбул режимини танлаш, буғлатиш жараёнининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлашга, қайта ишлаш жараёнида давомида хом ашёнинг йўқотилишини камайтиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мева ва сабзавотлар шарбатини буғлатиш жараёни ва аппаратини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мева ва сабзавотлар ҳамда қовун “Ақ наввот”, “Нон–гушт” ва “Шакар пара” навларининг шарбати асосида “Бекмес” сиропини олиш учун иситиш камераси иккига ажратилган буғлатиш қурилмаси Қорақалпоғистон Республикаси “Мўйноқ-Турдимурод” хусусий корхонасида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 16 январдаги 01/019-97 рақамли маълумотномаси). Натижада “Бекмес” сиропидан фойдаланиш орқали нон ва нон маҳсулотларининг турларини кенгайтиришга эришилган;

маҳаллий қовун навларининг мағзидан “Бекмес” сиропи олишга мўлжалланган буғлатиш аппарати Қорақалпоғистон Республикаси "Рахатай Тимур" корхонасида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 16 январдаги 01/019-97 рақамли маълумотномаси). Натижада нон ва булка маҳсулотларининг стандартига мувофиқ “Бекмес” сиропи қўшилган ҳолда сифатли шарқ булочкалари тайёрлашга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари ТошДАУ “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологиялари” кафедраси йиғилишларида, халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида, Тош КТИ “Информатика, автоматлаштириш ва бошқариш” кафедрасида, БухМТИ да бўлиб ўтган илмий семинарда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 11 илмий иш эълон қилинган, жумладан 4 илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган хорижий журналларда ва фойдали моделга 3 та буюртма берилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 саҳифадан иборат.


## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати, олиб борилган ишларнинг мақсад ва вазифалари асосланган, объект ва предметга характеристика берилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, аналитик лаборатория тадқиқотларининг янгилиги илмий асосланганлиги бўйича далиллар ва амалий натижалар баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асосланган ва очиб берилган, бажарилган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши бўйича маълумотлар келтирилган. Жорий қилинган ишларнинг натижа ва эълон қилинган мақолаларнинг натижалари бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мева-сабзавот шарбатлари ва эритмаларини қуюлтиришнинг технологик ва техник асослари”** деб номланган биринчи бобида таркибида пектин сақловчи моддалар бўлган қишлоқ хўжалиги чиқитларининг хусусиятларига таъриф берилган. Қовун қиёми ишлаб чиқаришнинг принципал аппаратур-технологик схемаси (АТС) келтирилган. Мева-сабзавот шарбатларини буғлатиш йўли билан қуюлтиришдаги технологик жараённинг хусусияти очиб берилган.


Озиқ-овқат ва кимё саноатидаги мавжуд буғлатиш аппаратларининг таҳлили амалга оширилган ва бу аппаратларга уларнинг ишлаш принципи ва иссиқлик ташувчиларнинг турлари бўйича таснифий баҳо берилган. Буғлатиш аппаратларининг конструктив ясалиши, монтажи ва таъмирга яроқлилиги, қиздирувчи қувурларни алмаштириш ва тиклаш бўйича танқидий таҳлил берилган. Баъзи аппаратларнинг иш унумдорлигини ошириш мақсадида уларнинг конструкцияларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган. Буғлатиш жараёнининг амалга оширилган назарий тадқиқотлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Қиздирувчи камераси иккига ажратилган буғлатиш аппаратини ва жараёнини математик моделлаштириш”** деб номланган иккинчи бобида тизимли фикрлаш, тизимли ёндошув, тизимли таҳлил ва кўп босқичли таҳлил тушунчаларини ривожлантириш ва конкретлаштириш масалалари кўриб чиқилган ва уларнинг кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлиги аниқланган.




**1-расм. Тизимли фикр, тизимли ёндашув, тизимли таҳлил ва кўп босқичли тизимли таҳлилнинг ўзаро таъсири**

Мазмун тасвиридан математик тасвирга ўтиш усулларида бири объектнинг формал ахборот моделини яратишдир. Шарбатни қуюлтириш жараёнини буғлатиш аппаратида фойдаланиш мисолида кўриб чиқамиз. Кўриниб турибдики, буғлатиш аппаратида буғлатилган шарбатнинг зичлиги бошланғич эритманинг сарфи ва зичлигига, шунингдек буғлаш интенсивлигига боғлиқ (2-расм).



**2-расм. Қобик қувурли буғлатиш аппарати**

Майда деталларигача ўрганиш учун буғлатиш аппаратининг қиздирувчи камерасини тизимли таҳлил ва фикрлаш асосида, иссиқлик алмашилиш, буғлаш зонаси ва конденсат сингари квазиаппаратларига ажратган ҳолда кўриб чиқамиз (расм 3.)




**3-расм.Иссиқлик алмашинуви аппаратини тизимли фикрлаш асосида квазиаппаратларга ажратиш.**

Қиздирувчи камера суюқлик оқимлари структураси гидродинамик идиши бўлиб, уни идеал аралаштириш структураси билан ифодалаш мумкин, ундаги қиздирувчи буғ конденсацияланишининг ҳарорати умумий ҳажми бўйича одатда бир хил. Шу сабабли қиздирувчи буғни узатиш канали бўйича математик тасвирлашда қиздирувчи камера квазиаппаратидаги босимни идеал аралаштириш модели деб қараш мумкин .


Жараённинг МАТЛАБ амалий дастуридаги компьютер моделларидан иборат бўлган буғлатиш аппаратининг қиздирувчи камера, аппаратдаги қайнатгич қувурларнинг девори ва буғ-суюқликли ҳудуди каби

квазиаппаратларда кечадиган бутун жараённинг компьютер модели 4-расмда кўрсатилган.




**4-расм. МАТЛАБ дастуридаги буғлатиш аппаратидаги бутун жараённинг квазиаппаратлари кўрсатилган компьютер модели.**


МАТЛАБ амалий дастуридаги атмосфера босимида пектин эритмасини буғлатиш жараёни динамикасининг компьютер моделидаги буғлатиш аппарати кўрсаткичларини ҳисоблаш натижалари.




**5-расм. МАТЛАБ амалий дастурида буғлатиш аппаратининг атмосфера босимида пектин эритмасини буғлатиш жараёни динамикасининг компьютер моделидаги конденсат, қиздирувчи сув буғи ҳароратини ҳисоблаш натижаси.**




**6-расм. МАТЛАБ амалий дастурида буғлатиш аппаратининг атмосфера босимида пектин эритмасини буғлатиш жараёни динамикасининг компьютер моделидаги қиздирувчи қувурлар девори ҳароратини ҳисоблаш натижаси.**



**7-расм. МАТЛАБ амалий дастурида буғлатиш аппаратининг атмосфера босимида пектин эритмасини буғлатиш жараёни динамикасининг компьютер моделидаги пектин эритмасининг ҳароратини ҳисоблаш натижаси.**



**8-расм. МАТЛАБ амалий дастурида буғлатиш аппаратининг атмосфера босимида пектин эритмасини буғлатиш жараёни динамикасининг компьютер моделидаги пектин эритмаси концентрациясини ҳисоблаш натижаси.**




**9-расм. МАТЛАБ амалий дастурида буғлатиш аппаратининг компьютер моделидаги буғлатиш аппарати атмосфера босимида пектин эритмасини буғлатиш жараёни динамикасининг иккиламчи буғ сарфини ҳисоблаш натижалари.**

Пектин эритмасини буғлатиш жараёнини ҳисоблаш асосида олинган юқорида келтирилган графиклардан кўришиб турибдики, (расм 5-9 расмгача) жараён атмосфера босими остида олиб борилганда қиздирувчи буғ конденсатининг ҳарорати  $108^{\circ}\text{C}$  гача етади, қиздирувчи қувурлар деворининг

ҳарорати – 104°C гача, пектин эритмасининг ҳарорати эса – 103°C гача, эритма концентрацияси 8,3% га ўзгаради, буғлатишда ҳосил бўладиган иккиламчи буғ сарфи 0,03-0,02 кг/секунд оралиғида ўзгариб туради. Компьютер модели технологик ўлчамларнинг турли хил қийматлари учун пектин эритмасини буғлатишнинг бутун жараёнини ҳисоблаш имконига эга.

Диссертациянинг “**Пектин эритмасини қиздирувчи камераси иккига ажратилган буғлатиш қурилмасида буғлатиш жараёнининг экспериментал тадқиқоти**” деб номланган учинчи бобида “Пектин” ишлаб чиқариш корхонасида (Тошкент вилояти) жорий этилган пектин эритмасини буғлатиш жараёнини ўрганиш учун ишлаб чиқилган икки корпусли тажриба қурилмасининг схемаси 10-расмда келтирилган.



**10-расм. Пектин эритмасини қуюлтирувчи икки корпусли тажриба буғлаш қурилмасининг схемаси.**

Жадвал 1.

**Пектин эритмасини атмосфера босимида буғлаш бўйича олинган тажриба маълумотлари**

| № | G    | P  | C <sub>n</sub> % | T <sub>k</sub> | T     | G <sub>пара</sub> | C <sub>k</sub> % | C <sub>p</sub> % | dC <sub>k</sub> | dC <sub>k</sub> <sup>2</sup> |
|---|------|----|------------------|----------------|-------|-------------------|------------------|------------------|-----------------|------------------------------|
| 1 | 2    | 3  | 4                | 5              | 6     | 7                 | 8                | 9                | 10              | 11                           |
| 1 | 0,03 | 98 | 14               | 109            | 103   | 0,025             | 8,1              | 8,3              | -0,2            | 0,04                         |
| 2 | 0,03 | 98 | 14,5             | 107            | 102   | 0,022             | 5,5              | 5,3              | 0,2             | 0,04                         |
| 3 | 0,03 | 97 | 15,1             | 108,5          | 102,5 | 0,022             | 6,3              | 6,4              | -0,1            | 0,01                         |
| 4 | 0,03 | 99 | 15,2             | 108            | 103   | 0,019             | 7,4              | 7,9              | -0,5            | 0,25                         |
| 5 | 0,03 | 99 | 15,9             | 109            | 103,2 | 0,024             | 8,2              | 8,4              | -0,2            | 0,04                         |
| 6 | 0,03 | 98 | 16               | 110            | 104,3 | 0,024             | 8,3              | 8,4              | -0,1            | 0,01                         |
| 7 | 0,03 | 98 | 15               | 109            | 105,5 | 0,024             | 8,1              | 8,4              | -0,3            | 0,09                         |
|   |      |    |                  |                |       |                   |                  |                  |                 | Σ0,52                        |


Тажрибалар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳақиқий қийматлар бўйича маълумотлардаги хатоликлар тахминан 2,7 % ташкил қилади, яъни

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum \Delta t^2}{n}} = 0,52/7 * 100\% = 2,72\%,$$

бунда n-ўлчовлар (тажрибалар) сони.

Бунда корпуснинг биринчи ва иккинчи ярми учун тажриба эгри чизиқлари олинди ( (расм.11, расм .12).


### Биринчи буғлатиш аппарати параметрларининг ўзгаришлари



### 11-расм.Буғлатиш аппаратининг биринчи корпусидаги параметрлар ўзгаришларининг эгри чизиқлари:

бу ерда юқоридаги биринчи чизиқ — бу қиздирувчи буғ конденсати ҳароратининг графиги, иккинчи пастки чизиқ – қайнатувчи қувурлар қиздирувчи деворларининг ҳарорати чизиғи ва учинчи пастки чизиқ - қайнатувчи қувурлар ичидаги суюқлик ҳароратининг чизиғи, энг пастдаги қизил чизиқ – чиқадиган суюқликнинг фоизларда ифодаланган концентрацияси, яққолроқ ифодалаш учун 10 га кўпайтирилган.

### Иккинчи буғлатиш аппарати параметрларининг ўзгариши



### 12-расм.Буғлатиш аппаратининг иккинчи корпусидаги параметрлар ўзгаришларининг эгри чизиқлари:

Пектин ишлаб чиқаришда буғлатиш жараёнини моделлаштириш ва ҳисоблашда эритманинг қайнаш ҳароратини, эритма таркибидаги сувнинг миқдорига боғлиқлигини ойдинлаштириш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун жараёнини компьютер моделини ишлаб чиқиш билан бирга янада аниқроқ ҳисоблаш учун [10] пектин эритмаси қайнаш ҳароратининг буғлатиш жараёнининг бир қатор параметрларига боғлиқлик эканлигининг янада аниқроқ қонуниятини аниқлаш зарур.

Кучсиз пектин эритмаларининг қайнаш ҳароратини текшириш учун ҳар бирида 1,5 дан 9,2% гача пектин бўлган 200 мм лик 10 та намуна тайёрланди. Ҳар бир ўлчаш уч маротоба такрорлаб олиб борилди ва қайд журналига ёзиб борилди. 2-жадвалда турли концентрацияларининг ўртачаси олинган пектин эритмаларининг қайнаш ҳарорати қийматлари келтирилган.

Жадвал 2

**Турли хил концентрациядаги пектин эритмаларининг ўртача концентрациясининг қайнаш ҳарорати**

| №  | Эритма концентрацияси, % | Ҳисобга кўра қайнаш ҳарорати, °С | Таҷриба бўйича қайнаш ҳарорати, °С | Ҳисобга кўра ҳарорат депрессияси $\Delta t$ , °С | Ўлчаш хатолиги °С. | Квадратик хато $\Delta t^2$ |
|----|--------------------------|----------------------------------|------------------------------------|--|--------------------|-----------------------------|
| 1  | 2                        | 3                                | 4                                  | 5  | 6                  | 7                           |
| 1  | 0                        | 100                              | 100                                | 0  | 0                  | 0                           |
| 2  | 1.5                      | 100,135                          | 100.1                              | 0,135  | 0,035              | 0,004225                    |
| 3  | 2.5                      | 100,225                          | 100.2                              | 0,225  | -0,025             | 0,000625                    |
| 4. | 3.5                      | 100,315                          | 100.4                              | 0,315  | 0,085              | 0,007225                    |
| 5. | 4.7                      | 100,423                          | 100.4                              | 0,423  | -0,023             | 0,000529                    |
| 6. | 5.3                      | 100,477                          | 100,6                              | 0,477  | 0,123              | 0,015129                    |
| 7. | 6.1                      | 100,549                          | 100,7                              | 0,549  | 0,151              | 0,022801                    |
| 8. | 7.4                      | 100,66                           | 100,7                              | 0,66   | 0,04               | 0,0016                      |
| 9. | 8.1                      | 100,729                          | 100,7                              | 0,729  | -0,029             | 0,000841                    |
| 10 | 9.2                      | 100,828                          | 100,9                              | 0,828  | 0,072              | 0,005184                    |
|    |                          |                                  |                                    |  |                    | $\Sigma 0.058159$           |

Пектин эритмасининг концентрацияга боғлиқ ҳолда қайнаш ҳароратлари МАТЛАБ дастури бўйича қуйидаги умумий кўринишдаги тенглама ёрдамида ифодаланади:

$$y = k \cdot x + b \tag{1.1.}$$


бу ерда:  $k= 0,089807$ -порпорционаллик коэффиценти

$b=100$ -эритманинг  $100^\circ\text{C}$  даги қайнаш ҳароратини характерловчи коэффицент.

Пектин эритмасининг қайнаш ҳарорати ва ҳарорат депрессияси тенграмасини ҳисобга олган ҳолда, пектин эритмасининг турли босимлардаги қайнаш ҳароратини характерлайдиган тенглама олинди.

$$\text{сувнинг қайнаш } T = 18,035 \cdot x^3 - 64,972 \cdot x^2 + 102,44 \cdot x + 43,494 + (0.09 \cdot x + 100) \tag{1.2.}$$

Диссертациянинг “Иккига бўлинган қиздирувчи камерали буғлатиш аппаратини ишлаб чиқиш” деб номланган тўртинчи бобида бажарилган патент-лицензия ишлари ва буғлатиш аппаратларининг мавжуд конструкцияларини таҳлил қилиш асосида биз томонимиздан қиздирувчи камераси иккига ажратилган бир корпусли буғлатиш аппарати ишлаб чиқилди [Буюртма №FAP 2020 03.13 [5].



**13-расм. Қиздирувчи камераси иккига ажратилган буғлатиш аппаратининг умумий кўриниши**

Маълум буғлатиш қурилмалари билан солиштирганда мазкур буғлатиш аппаратининг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

Конструкциясининг соддалиги ва кичик масса-габарит ўлчамлари уни унчалик катта бўлмаган механик-йиғув цехларида жиҳозларга махсус ускуна ўрнатмасдан яшаш имконини беради;

Сепаратор демонтажи ва туби қиздирувчи қувурларни ҳосил бўладиган қурумдан қисқа фурсатда тозалашни таъминлайди:

Қурум ҳосил бўлиш жараёни турли хил эритмаларни (олма, томат ва қовун шарбати) қайнатишда 1,3 -1,6 мартага камаяди.


Диссертациянинг бешинчи “Пектин эритмасини қуюлтириш учун мўлжалланган буғлатиш қурилмасининг технологик синовлари ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш” деб номланган бешинчи бобида биз

томонимиздан кучсиз пектин эритмасини қуюлтириш учун буғлатиш қурилмасининг аппарат-технологик схемаси ишлаб чиқилди (Расм 13)

Унинг таркибида кучсиз эритмани сарфловчи бак, иккита марказдан қочма насос, иккиламчи буғнинг умумий сепараторига эга бўлган икки корпусли буғлаш аппарати, қуюлтирилган эритмани сақлаш учун бак ва ВВН-5 сув-халқали вакуум-насосга эга бўлган барометрик конденсатор бор.

Бутун пектин ишлаб чиқариш АТСи ва зангламайдиган пўлатдан бўлган бир қатор стандартланмаган жиҳозлар «Техэкспромт» ЭКБ ОАЖ томонидан ишлаб чиқилди ва «ЯТТ Данияр-Ходжаев» хусусий фирмасида ясалди.

Буғлаш қурилмаси назорат-ўлчов ускуналари ва автоматик ўлчов ҳамда буғлаш корпусларидаги ҳароратни бошқариш воситалари билан жиҳозланган.



**14-расм. Пектин эритмасини қуюлтиришга мўлжалланган буғлаш қурилмасининг аппарат-технологик схемаси**

2021 йилнинг 3 июлидан то 20 июлига қадар «ONSITE» хусусий фирмасининг Тошкент вилояти Тошкент тумани “Авлиё ота” посёлкасида жойлашган «ППЗ Пектин» тажриба-саноат корхонасида қуруқ олма қолдиқларидан истеъмолбоп пектин ишлаб чиқариш бўйича тажриба линиясини синаш ишлари олиб борилди.

**Олинган олма пектинини сотишдан олинган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш**

Бошланғич ва ёрдамчи материалларнинг нархи

|   |                           |                        |
|---|---------------------------|------------------------|
| 1 | Олма қолдиқлари           | 1000 сўм/кг            |
| 2 | Этил спирти               | 15500 сўм/л            |
| 3 | Лимон кислотаси           | 10000 сўм/кг           |
| 4 | Сув                       | 220 сўм/м <sup>3</sup> |
| 5 | Электр энергияси          | 450 сўм/ кВт.с.        |
| 6 | Пектин (бозорники) 6\$/кг | 62400 сўм/кг           |
| 7 | Жиҳознинг нархи           | 167 млн.сўм            |

## Технологик нормативлар

|   |   |       |
|---|---|-------|
| 1 | Қолдиқлардаги пектин миқдори                | 9 %   |
| 2 | Экстракция қилиниши 8,0 % дан ортиқ эмас    | 0,8   |
| 3 | Экстракция қилишда гидромодуль              | 1:8   |
| 4 | Экстракция қилиш вақти                      | 4с    |
| 5 | Экстракт таркибидаги қуруқ моддалар миқдори | 1,2 % |
| 6 | Қуюлтирилгандан сўнг қуруқ моддалар миқдори | 7%    |
| 7 | Тиндириш пайтида гидромодуль                | 1:3   |

## ХУЛОСА

1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш орқали юқори концентрацияли мева ва сабзавот шарбатларини ишлаб чиқишда қўлланиладиган буғлатиш аппаратларининг конструкциялари ва жараёни тизимли таҳлил асосида тадқиқ қилинди.

2. Эритма таркибидаги эритувчининг буғланишини жадаллаштириш мақсадида иситиш камераси иккига ажратилган буғлатиш аппаратининг такомиллаштирилган конструкцияси ишлаб чиқилди.

3. Буғлатиш аппаратининг биринчи камерасидан ажралиб чиқаётган иккиламчи буғдан самарали фойдаланиш асосланildi.

4. Иситиш камералари бўйича эритма ва иситувчининг гидродинамик ҳаракатини характерловчи математик ифода ишлаб чиқилди.

5. Кўп босқичли тизимли таҳлил асосида буғлатиш аппаратининг квази элементлари бўйича температура, босим ўзгаришлари тажрибалар асосида ўрганилди.

6. Буғлатиш аппаратининг иситиш камералари бўйича эритманинг қайнаш температураси ва босимини, иситувчининг сарфи ҳамда буғлатиш жараёнини ифодаловчи математик модель ишлаб чиқилди.

7. Математик моделлаштириш асосида буғлатиладиган эритма концентрациясининг ўзгариши, берилаётган бошланғич эритманинг сарфи, қиздирувчи буғ ҳарорати ва унинг сарфи бўйича буғлатиш аппаратининг муҳандислик ҳисоб китоблари амалга оширилди.

8. Назарий ва экспериментал натижалар асосида буғлатиш аппаратининг такомиллаштирилган конструкцияси амалиётга жорий этилди.

9. Мева ва сабзавотлар сиқмаси (выжимка) нинг 1,5 % эритмасидан 8-9 % пектин эритмасини олишда буғлатиш аппаратининг такомиллаштирилган конструкцияси амалиётга жорий этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.101.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**КАРИМУЛЛАЕВА МАРЗИЯ УСНАТДИНОВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССА И АППАРАТА ДЛЯ  
ВЫПАРИВАНИЯ ПЛОДОВООВОЩНОГО СОКА**

02.00.16 – Процессы и аппараты химических технологий и пищевых  
производств

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**БУХАРА – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2821.4.PHD/71928

Диссертация выложена в Ташкентском государственном техническом университете.

Аннотация диссертации выложена на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) и размещена на веб-странице Научного совета по адресу (адрес: [www.ttu.uz](http://www.ttu.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net))

|                        |  |
|------------------------|--|
| Научный консультант:   | Маширова Зулдумар Азизовна<br>доктор философии (PhD) по техническим наукам, доцент   |
| Официальные оппоненты: | Абдуллаев Ашнур Шамширович<br>доктор технических наук, профессор,<br>Наринья Мирзо Саидович<br>кандидат технических наук, доцент |
| Ведущий организация:   | Ташкентский государственный технический университет по имени И.Каримова  |

Защита диссертации состоится «24» 12 2021 года в «14<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета PhD 03.30.12.2019.T.101.01 при Букарском инженерно-технологическом институте по адресу: 2001000 г. Бухара, ул. К.Муртазиева 15. Тел: (+99865)223-78-84, факс: (+99865)223-78-84, email: [info@bti.uz](mailto:info@bti.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Букарского инженерно-технологического института (зарегистрирован по № 492). Адрес: 2001000 г. Бухара, ул. К.Муртазиева 15. Тел: (+99865)223-78-84.

Аннотация диссертации размещена «13» 12 2021 года  
(проект приказа ректора № 66 от «05» 11 2021г.)



И.Р. Бариев

член Научного совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., профессор

И.Р. Хайитов

заместитель секретаря научного совета по  
присуждению ученой степени, д.т.н., старший с.н.с.

Ш.М. Хасиев

Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученой степени к.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

### **Актуальность и востребованность темы диссертации.**

Сегодня в мире наблюдается высокий рост предприятий по переработке сельскохозяйственной продукции. Предприятия по производству консервов - одна из ведущих отраслей пищевой промышленности. Соответственно, важно оценить текущее состояние предприятий по переработке овощей и фруктов, разработать меры по решению существующих проблем, а также ускорить приемы и технологии, направленные на устранение имеющихся недостатков.

Во всем мире ведутся научные исследования по совершенствованию процесса и оборудования для производства высококонцентрированных соков из фруктов и овощей, созданию современных методов и технологий. В связи с этим особое внимание уделяется изучению процесса выпаривания для производства высококонцентрированных соков из фруктов и овощей, созданию современных высокоэффективных методов и устройств выпарного процесса при производстве высококонцентрированных соков.

В последние годы страна сделала упор на развитие плодоовощеводства и виноградарства, в том числе на производство качественных фруктовых и овощных соков, и определенные результаты достигаются. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан гласит, что «... сокращение энерго- и ресурсопотребления экономики, внедрение энергосберегающих технологий в производство, последовательное развитие сельскохозяйственного производства, производство конкурентоспособной и экспортной продукции, замещающие продукты, значительный экспортный потенциал аграрного сектора. В связи с этим определить количество и физико-химический состав овощей и фруктов, выращиваемых в регионах, повысить качество готовой продукции на основе сельскохозяйственного сырья, выявить эффективные методы переработки овощей и фруктов, сохранение их первоначальный естественный вкус, для получения высоко - концентрированных фруктов и овощей необходимо усовершенствовать процесс и аппарат получения овощных соков.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-5388 от 29 марта 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию плодоовощеводства в Республике Узбекистан», № ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями науки и технологий Республики Узбекистан «Энергетика, энергия и экономия ресурсов» и VII «Химические технологии и нанотехнологии»

